# СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ШАКЛЛАНТИРИШ ФОНИДА ТАЛОҚДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ

Собиров Шерзод Шодуллоевич
Бухоро давлат тиббиёт институти, Узбекистан

## Долзарблиги

Ҳозирги вақтда келиб дунёда иммун тизимнинг шикастланиши билан боғлиқ касалликлар кўпайиб бормоқда. Олимларнинг фикрига кўра, бунинг сабабларидан бири сурункали касалликларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлиб, организмнинг ҳимоя функциялари ва мослашув жараёнларининг бузилишига олиб келади [ Karmaus W. et al., 2005; Udoji F. et al., 2010].

Талоқнинг энг мухим вазифаси бу - иммун вазифасидир. Морфологик тузилишида талоқнинг лимфоид тузилмаси асосини оқ пульпа ҳамда унинг қисмлари: периартериал лимфатик муфта, кўпайиш марказлари, мантия, чегара ва периартериал соҳалари бўлган лимфатик тугунлардан ташкил топган. У зарарли моддаларни макрофаглар ёрдамида зарасизлантириш ва қонни тозалашда иштирок этади [Balogh P. et al., 2004, Uddin M.N., 2010].

Сурункали буйрак етишмовчилиги - бу буйрак структураси ва функциясининг 3 ой ва ундан ортиқ давр мобайнида бузилиши ва инсон организмига салбий ножўья таьсир кўрсатиши билан ифодаланувчи касаллик ҳисобланади. СБЕ - касалликнинг сабаби, БКФТ (GFR) ва альбуминурия (Albuminuria - (CGA) тоифаси) даражаси буйича таснифланади.

Эрта ҳомила даврида талоқ четки қирралари юмалоқ кўринишга эга бўлади. Бу даврнинг бошида талоқ тор ва кичикроқ ўлчамли, даврнинг охирида келиб эса янги туғилган чақалоқ талоғига хос бўлган силлиқ бурчакли овал ёки тўртбурчак шаклга эга бўлади. Талоқ юмшоқ консистенцияли бўлиб, ранги тўқ қўнғир тусда, ташқи томондан аъзо паренхимаси билан суст бириккан ва осон ажраладиган капсула билан қопланган ҳолда бўлади [Галеева Э.Н., Железнов Л.М., 2013].

Қарилик даврида талоқ лимфоид тузилмаларидаги инволютив ўзгаришлари оқибатида организм иммун ҳимояси заифлашиши кузатилади. Каламуш талоғи инсон аъзосига жуда яқин бўлиб, гистологик тузилиши жиҳатидан деярли бир-биридан фарқ қилмайди [Mebius R. E., 2005].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Сурункали буйрак етишмовчилигида талоқ морфологик ва морфометрик параметрларидаги кўрсатгичларини ешга караб қиёсий тавсифини ўрганиш.

**Тадқиқот натижалари.** Сурункали буйрак етишмовчилигида 3 ойли оқ зотсиз каламушлар талоқ тўқимаси гистологик кесмаларини иммуногистокимёвий усулда ишлов берилганда СДЗ маркерлари ПАЛС соҳасида кучли экспрессияси, қизил пульпада ўртача экспрессиясиланиши аниқланилади. Демак, бу соҳаларда Т-лимфоситар иммунитетда қатнашадиган ўзида СДЗ антигени бўлган ПАЛС соҳа кучли, қизил пульпанинг талоқ тасмаларида эса ўртача эксперссияланиши аниқланилди. СД20 маркери оқ пулпада негативе экспрессиясиланиши ва қизил пулпада эса кучсиз экспрессияланиши Б лимфоситларнинг кучсиз пролифератсияланишидан дарак беради. СД20 маркернинг экспрессияланишидан унга талуқли бўлган лимфоситлар ўлчамларининг ҳар хиллиги, уларнинг таркибида В лимфоситлар, лимфоситар иммунобластлар ва плазматик ҳужайралар борлигини кўрсатади. В лимфоситлар инфекция тасирида соматик гипермутация амалга ошиб, В лимфоситларда юқори активликдаги рецепторлар кўп миқдорда шаклланганлигидан далолат беради. Натижада узоқ яшовчи плазматик ҳужайралар пайдо бўлганлиги кузатилади.

**Хулоса.** Оқ зотсиз каламушлар талоғининг чўзинчоқ шаклда, қонга тўлиб туриши туфайли тўқ қизил рангли бўлади. Уни ташқи томондан сероз парда ва фиброз капсула ўраб туради. Капсуладан талоқ ичига тўсиқлар-трабекулалар ўсиб киради. Трабекулалар ва қон томирлар девори қалинлашган. Трабекулалар орасида оқ ва қизил пулпа бўлади.Оқ пулпа ҳажми кичик, қизил пулпанинг ҳажми эса оқ пулпага нисбатан 2-3 баробар катта бўлади.